

“Вақф” фонди 145 талабага 1,2 миллиард сўм контракт тўлади



14:25 / 28.11.2018 2365

Бугун, 28 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан “Илмга эътибор - келажакка эътибор” номли олий таълим муассасалари талабаларининг тўлов-шартнома пулларини тўлаб бериш бўйича хайрия акциясининг тақдироти ўтказилди. Тадбирда Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар қатнашди.




Тақдимот тадбирида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Одил Қаландаров, “Вақф” фонди раҳбари Искандар Халилов сўзга чиқиб, “Илмга эътибор – келажакка эътибор” номли хайрия акцияси ва унинг амалий аҳамияти борасида йиғилганларга батафсил маълумот бериб ўтдилар.

Нотиқлар “Вақф” фонди томонидан амалга оширилаётган муҳим тадбирлардан бири республикадаги олий таълим муассасаларида таълим олаётган кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба ёшларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш

мақсадида, 145 нафар талабага 1.243.200.782 сўм миқдорида тўлов-шартнома пуллари тўлаб берилганини алоҳида қайд этдилар.

Image not found or type unknown



Шунингдек, ўтган давр мобайнида фонд томонидан диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини молиялаштириш учун 298.631.000 сўм, диний таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабаларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 165.650.000 сўм, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар талаба фарзандларини қўллаб-қувватлаш учун 1.243.200.782 сўм, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш учун 1.170.867.159 сўм,

“Мурувват карвони” хайрия тадбири доирасида 388.903.100 сўм, жами бўлиб 3.343.956.041 сўмдан зиёд маблағлар хайрия қилинди.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирги кунда Фонд томонидан “Илмга кўмак берамиз”, “Малҳам”, “Никоҳ тўйлари”, “Рўзғор”, “Эҳтиёжмандларга кўмак” “Ўз касбининг фидойиси”, “Обод хонадон”, “Оби-ҳаёт” каби акциялар амалга ошириб келинмоқда. Сиз ҳам ушбу хайрли ишларга ўз ҳиссангизни қўшинг!

“Вақф” фонди хайру эҳсонларингизни ўз эгаларига етказишда очиқлик ва холисликни кафолатлайди. Маблағларни шаффофлик асосида ҳақдорларга етказилаётганини vaqf.uz сайти орқали кузатиб боринг!